O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ислом КАРИМОВ:

Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 5-iyun • Seshanba • 66 (27.711) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилингач, энг улуғ ва энг азиз айёмимиз — истиқлолнинг бутун мазмун-моҳиятини энг аввало ўз руҳиятида, қолаверса, бугунги нурли ҳаётида англаб етган айрим юртдошларимиз билан телефон орқали боғланиб, уларнинг ушбу самимий эътирофларини ёзиб олдик:



БУ БАЙРАМ – БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ

Жаҳонгир ота УСМОНОВ, нуроний:

— Мен саксонни қоралаб қолдим. Қандай кунларни, қандай замонларни кўрдик.Улар энди эртакка ўхшайди. Мустабидлик не эканлигини билган одам МУСТАҚИЛЛИК қандай буюк неъмат эканлигини англаб етади. Айниқса, мен тенгилар учун бу кунларнинг қадр-қимматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Тарих учун қисқагина бўлган 16 йилда бизнинг мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишларни, ўзгаришларни санаб саноғига етолмаймиз. Президентимизнинг кечаги чиққан қарорларини ўқисам, яна биз кексаларга, нуронийларга жуда катта иззат-икром, қолаверса, ишонч билдирилганига гувоҳ бўлдим: **«Эл-юртга хизмати сингган кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, фахрийларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, улар иштирокида турли суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар уюштириш»** лозимлигини уқтирганликларини эшитиб суюндим. Нега десангиз, биз пенсиядамиз, энди дам олсак бўлар, деб уйда ўтирганимиз йўқ. Ҳар куни маҳалла-қўйдамиз. Қўлимиздан келганича одамларга ёрдам бераяпмиз, қай бир даврада бўлмасин, қўлдан келганча гапирамиз, ёшлар бу кунларнинг қадрига етсин, дейміз. Бундай байрамларнинг кўпини кўрайлик, илоё!

Абдулҳай ҚОДИРОВ, Марғилон шаҳридаги «Иттифоқ» маҳалласи оқсоқоли:

— Ушбу тарихий ўн олти йилнинг биргина бизнинг Марғилонимиз ҳаётида тутган ўрнини айтадиган бўлсам, таърифлашга сўз тополмайман. Ўтган йилларнинг ўзи бир китоб. Лекин қадим шаҳримизда шу кунларда амалга ошаётган бунёдкорлик ишларини бирма-бир айтиб берсам, бундан икки-уч йил бурун Марғилонни кўрган одам мени гапларимга ишонмайди. Узоққа бориб ўтирмайин, бизнинг маҳалламизнинг ўзида қанча катта ўзгаришлар бўп кетди. Ёшлар хиёбони, замонавий услубда қурилган тиббиёт коллежи, маҳалламиз идораси билан бирга қурилган никоҳ маросимларини қайд этиш маскани... Шуларнинг ҳаммаси бир йилда бунёд бўлди. Айтинг, мустақиллик бўлмаса бу бинолар, шу ўзгаришлар бўлармиди?

Халқимизда «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла», деган ажойиб ҳикмат бежиз айтилмаган. Тўғри, халқимиз қадим-қадимдан маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшаб келади. Аммо урф-одатларимиз камситилган, топталган даврлар ҳам бўлди. Мустақиллик йилларида маҳаллаларга алоҳида эътибор берилди. Маҳалла тизими жамиятнинг энг асосий бўғинларидан бири сифатида юртимизда мустақиллик йилларида шаклланди. Бу айни ҳақиқат. Илгари маҳалла деса, кўримсизгина бир бинодаги файзсиз хонани ёки маҳалла раиси ким десангиз, ҳафтада бир марта номига кўринадиган одамни кўрсатишарди. Ҳозирчи? Исталган шаҳар ё қишлоққа бориб, маҳалла фуқаролар йиғини ёхуд маҳалла идорасини сўранг-чи, тўрт тарафи обод ва кўркам замонавий биноларни кўрсатиб, мақтанишади. Ва энг ибратли жиҳати, бугунги кунда бундай маҳалла гузарлари файзли ва одамлар билан гавжум. Аввалгига ўхшаб оддий бир масала учун ҳам турли идораларга югуришлар йўқ, аксинча, аксарият муаммолар маҳалланинг ўзида ечим топаяпти. Ана шуларнинг ўзи ҳам истиқлол имкониятлари-ку!

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, ёш оила бекаси:

— Ўзим асли журналистман. Лекин ҳаёт тақозоси экан — ёш фарзандим борлиги боис ҳозир дам олаяпман. Бу жамиятдан узилиб қолдим деганим эмас, албатта. Бола тарбияси ҳам ниҳоятда муҳим вазифа эканлигини ўзим она бўлганимдан кейингина чуқур англаб етдим. Чунки ҳукуматимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қанча ғамхўрликлар кўрсатиляпти. Бундай чексиз эътибор ва эъзозни бутун мамлакат миқёсида ҳисоблайдиган бўлсак, минг-минглаб оналар ва болалар чин маънода истиқлол фарзандлари эканликларини ҳис этаётганини тушуниш ва улар тақдирида ўтаётган 16 йиллик асрларга татигулик даврнинг ўрни нақадар улканлигини билиш мумкин.

Оила ҳам жамиятимизнинг бир бўлаги. Усиз бугунни ҳам, эртанги тараққиётни ҳам тасаввур этиш қийин. Унинг муқаддаслиги ва софлигини асраб-авайлаш биримизнинг бурчимиз. Агар қайси ҳар бир мамлакатда энг аввало оилага бўлган эътибор кучайса, шу юртнинг эртаси ёруғ бўлишини вақт кўрсатяпти. Бу тарихий ҳақиқатга бугун ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз.

Холида ПАРДАБОЕВА, Гулистон шаҳридан:

— Мен ҳам онаман. Биласизми, яқин йигирма йиллар аввал бирон бақувватроқ одамнинг боласи Москвада ўқиётган экан, деб эшитсак ҳайратга тушардик. Тўғрисини айтганда, менга ўхшаган оддий одамларнинг фарзанди Москвани қўйиб туринг, ҳатто Тошкентда ўқисаям катта гап эди. Ё ёлғонми?

Бугун-чи? Кейинги 15 йил орасида Ўзбекистондан қанча болалар бизнинг тушимизгаям кирмаган хорижий юртларда ўқиб келди. Узоққа бориб нима қиламан, ўзимдан қиёс: Умиджон деган ўғлим ҳозирги кунда океан ортида — олис Канаданинг Эдмонтон шаҳридаги Алберто университетида архитектура ва дизайнер муҳандислиги факультетининг учинчи курсини тугатди. Бир замонлар қўлтелефон нималигини билмаган одам мен бўлсам, ҳозир боламни овозини эшитгим келса, тўғри Канадага телефон қиламан. Ўзиям тез-тез телефон қилади. Саломалиги тугар-тугамас ўзимизни мева-чевалар, қовун-тарвузлар пишган-пишмаганини сўрайди. Юртни соғинади-да. Мен бўлсам, уйдаги, юртдаги янгилик, ўзгаришларни бирма-бир санаб чиқаман-да, сўнг насиҳатга ўтаман: «Болажоним, тинчомон юргин. Яхши ўқи, ювввазимизни ерга қаратма, сени интизор бўлиб кутаяпмиз», дейман. Шунча шароитга яраша фарзандимиз эл-юртинг корига ярайдиган инсон бўлсин деб орзу қиламиз-да...

Норқобил ЖАЛИЛ ёзиб олди.

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

ЭКСПОРТГА ЙЎЛ ОЧИЛДИ

Самарқанд шаҳридаги «Парвона — қурувчи PVS» корхонасида бозорбоп маҳсулот турлари ишлаб чиқариш ва хорижий давлатларга экспорт қилиш борасида яхши тажриба тўпланмоқда.

Жамоа қурилишларга эшик, ром, ошхона жиҳозлари, музлаткич, канализация ускуналари ва савдо шохобчалари учун пештахталар етказиб бермоқда.

Баҳодир Турсунов, корхона раҳбари:

— Маҳсулотларимиз ўз сифати билан харидорлар дидига мос келяпти. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Қашқадарё каби қатор вилоятларда бунёд этилаётган мактаб, лицей, коллежлар қурилишида биз тайёрлаган эшиклар, ромлар ва ошхона жиҳозлари ишлатилмоқда. Уларни асосан Германия, Туркия, Италия, Хитой технологиялари асосида ишлаб чиқараяпмиз. Яқинда Германия, Франция давлатлари билан ўзаро шартномалар имзолаб, келгуси ойдан уларга экспортни ҳам йўлга қўйишни кўзлаб турибмиз...

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *корхона ходими Азиза Шарипова, директор ўринбосари Шуҳрат Шарипов, бир гуруҳ ходимлар иш пайтида.*

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шавкат Каримов Когон шаҳрида ўз сайловчилари билан учрашди. У ўтган сайловлардан кейинги давр мобайнида парламентнинг қуйи палатаси томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил тўхталди. ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан ишлаб чиқилиб, депутатлар муҳокамасига киритилган ҳамда қабул қилинган қатор қонун лойиҳаларига таклифлар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича тушунча берди. Айни пайтда муҳокамада бўлган қонун лойиҳалари ҳақида гапириб берди.

Табиийки, депутат билан бўлган юзма-юз мулоқотда сайловчиларни ташвишга солаётган масалалар ҳам ўртага ташланади. Когонликлар ўз депутатлари билан очиқ мулоқотда бўлдилар. Шаҳарда тозалик ва ободончилик борасида етарли ишлар олиб борилмаётганига урғу бердилар. Бу муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари, хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатларининг бу борадаги вазифалари ҳақида фикрлар алмашилди.

Даврон БАҲРОНОВ

Миллий дастур ижроси

ТАЪЛИМДАГИ УЙҒУНЛИК

ЁКИ МАКТАБ БИТИРУВЧИСИ: ОРЗУЛАР, ИМКОНИЯТЛАР

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бера бошлади. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши билан мамлакатимизда ўқув шаклининг янги йўналишлари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса замонавий билим ва ҳунарга эга етук мутахассисларни, баркамол авлодни тайёрлашдан иборат.

Шунингдек, мазкур ҳужжатларда таълим 12 йиллик, яъни 9 йиллик умумий ўрта таълим ва 3 йиллик ўрта махсус касб-ҳунар таълимига босқичма-босқич ўтиши кўрсатилиб, дастур доирасида республикамизда кўплаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди ва замонавий ўқув лаборатория ускуналари билан жиҳозланди. 12 йиллик таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш натижасида умумтаълим мактабларида 10-11 синфлар ёпилиб, таълим 9 йиллик дастур асосида олиб борилмоқда. Бу эса айрим ота-оналар ва аҳоли орасида тушунмовчиликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бу йил 11-синфлар охирги битирувчи бўларкан, энди фарзандларимиз қаерга боради, агар касб-ҳунар коллежларида ўқиса вақтдан бир йил ютқазмайдими, деган саволлар кўпчиликни ўйлантирмоқда.

Биз шу ва бошқа саволларга ойдинлик киритиш мақсадида республика Халқ таълими вазирлигининг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш Бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр ДОНИЁРОВга мурожаат қилдик.

— Бу йил мамлакатимизда 9-ва 11-синфларни қанча ёшлар битирди? Улар ўқишни қай тартибда давом эттиришлари мумкин?

— Мамлакатимиздаги 9773 та мактабнинг 9-синфини 642 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз тамомлаб, таълимнинг кейинги босқичига қадам қўйди. Айни пайтда 229 минг нафарга яқин 11-синф ўқувчиси ҳаётга йўлланма олди. Уларнинг таълим тизимининг келгуси босқичи билан қамраб олиниши, касб-ҳунар эгаллаши учун мамлакатимизда зарур шарт-шароитлар яратилган.

Президентимизнинг 2006 йил 27 июлдаги «Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишларини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни тезлаштирди. Буларнинг барчаси ёшларни ўзлари хоҳлаган касб-ҳунарга йўналтириш ва ҳаётда ўз ўринларини топиб олишлари йўлидаги қўллаб-қувватлашнинг яна бир ёрқин намунасидир. Аммо айрим ота-оналар бу имкониятлардан фойдаланиш, фарзандлари бирор касб-ҳунар эгаси бўлишига қайғуриш ўрнига уларни меҳнатга жалб этишни ёки уйда олиб ўтиришни афзал кўрмоқда.

2-бет

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Навоий вилояти адлия бошқармасининг ташаббуси билан Навоий шаҳрининг «Ширин» маданият саройида «Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқлари ва унинг кафолатлари» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, вилоят адлия, прокуратура ва ички ишлар тизимидан вакиллар ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассислари иштирок этди.

Анжуманда болалар ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция ва халқаро шартномалар ҳамда бошқа қонунчилик меъёрлари, болаларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ҳақида сўз юритилди.

Номоз НОРҚУЛОВ, Навоий вилоят Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси

«Пилла — 2007»

ДАСТЛАБКИ ҲОСИЛ ТАРОЗИДА

Навоий вилояти пиллакорлари жорий йилнинг дастлабки ҳосилини тарозига қўйдилар. Эл хирмонига 830 тоннадан зиёд сара пилла хомашёси етказиб берилди. Эришилган ютуққа Қизилтепа, Кармана, Навбаҳор, Хатирчи туманлари заршунослари баракали ҳисса қўшдилар. Ҳар қути ипак қурт уруғидан ўртача 58-65 килограммга етказиб ҳосил кўтарилди.

Вилоятда бу йил салкам 260 тонна саноатбоп қуруқ ипак хомашёси «Навоий-Силк», «Молобар-силк» корхоналарида қайта ишланиши кўзда тутилган. Ҳозир ана шу ҳар икки корхонада 450 дан зиёд хотин-қиз самарали меҳнат қилаяпти.

Музаффар ШАРОПОВ

ЎзХДП ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БАРЧА ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига 2007 йилнинг иккинчи ярим йиллигига обуна давом этмоқда. Обуна «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида қабул қилинмоқда.

Газеталаримиз йилнинг охиригача ўз «оёғи» билан уйингизга, ишхонангизга кириб боришини хоҳласангиз обуна бўлишни унутманг.

Шошилинг, вақт оз қолди, йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна 20 июнга қадар қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 5 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	1049,20
1 Англия фунт стерлинги	2500,76
1 Дания кронаси	227,74
1 БАА дирхами	343,38
1 АҚШ доллари	1260,91
1 Миср фунти	221,80
1 Исландия кронаси	20,54
1 Канада доллари	1188,19
1 Хитой юани	164,86
1 Малайзия рингити	371,51
1 Польша злотийси	446,88
1 СДР	1906,91
1 Туркия лираси	963,41
1 Швейцария франки	1025,80
1 ЕВРО	1695,55
10 Жанубий Корея вони	13,58
10 Япония иенаси	103,37
1 Россия рубли	48,69
1 Украина гривнаси	249,69

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

ЁШ ФАОЛЛАР ВА ОЛИМЛАР

ЎЗАРО ФИКРЛАШДИЛАР

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ва Шайхонтоҳур туман партия кенгаши ҳамкорлигида Тошкент ислом университетида учрашув ташкил этди. «Истиқбол» фаоллари ҳамда университет профессор-ўқитувчилари ва талабалар билан бўлган мазкур учрашув Тошкент шаҳрининг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши муносабати билан мамлакатимиз Президентининг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишга бағишланди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган университет ректори, профессор Ш.Ёвқочев ва ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси У.Шайимқулов юртимиз ижтимоий-маданий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, тараққиёт сари дадил илдамлаб бораётган мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётганини таъкидладилар.

Шунингдек, анжуманда «Тошкент ислом маданияти пойтахти: тарихий ва замонавий омиллар», «Ислом динининг Ўрта Осиё маданиятидаги ўрни ва роли», «ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг диний бағрикенглик ғояларини тарғиб этиш юзасидан вазифалари» ҳақида маърузалар тингланди.

Учрашув фикр алмашув ва баҳс-мунозарага айланиб кетди. Қатнашчилар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар. Тадбир сўнггида ёшлар Шайх Ҳовандо Тоҳур ҳазратлари мақбарасини зиёрат қилдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Суратда: учрашувдан лавҳа.

«МЕН МУСТАҚИЛ ЮРТ ФУҚАРОСИМАН»

Наманган шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда 120 нафар 16 ёшли йигит-қиз бу ҳаяжонли сўзларни фахру ифтихор билан айтдилар. Чунки улар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини тантанали тарзда қўлларига олдилар.

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида вояга етган йигит-қизларга фуқаролик паспортини байрамона топшириш вилоятда анъанага айланган. Партиямизнинг доимий ҳамкорлари «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, Халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими вакиллари иштирокида шаҳар ва туманларда ўтказилаётган паспорт топшириш маросимлари маънавий-маърифий мазмун касб этаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Наманган шаҳридаги 7- ва 35-умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан иборат 120 нафар йигит-қизга паспорт топшириш тантанали маросими Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижроси билан бошланди. Шундан сўнг ёшлар Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулдасталар қўйишди.

Паспорт олаётган ёшларни ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Талъат Сатторов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Олимжон Нуриддинов, Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Маматвали Турғунов, 7-умумтаълим мактаби директори Мунирахон Тўхтахўжаева ва бошқалар табриклаб, эзгу истаклар билдиришди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *паспорт топшириш тантанасидан лавҳа.*

ЎзХДП: воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЎзХДП Булунғур туман кенгаши фаоллари тумандаги 8 ва 50-мактабда «Ўзбекистон ХДП — кеча, бугун ва келгусида» мавзуида учрашув ташкил этди. Тадбирда Ўзбекистон ХДПни танлаган фуқароларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Шунингдек, фаоллар «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ҳамда ЎзХДП дастурий мақсадларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мададталаб аҳоли вакиллари, уруш қатнашчилари, кексалар хонодонида бўлиб, улар ҳолидан хабар олишди. Туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Жалақудуқ туман кенгаши ҳамда Камолот ЁИҲ туман бўлими «Ўзбекистон ёшлари кашандаликка қарши» мавзуида тадбир ўтказди. Кўрик-танлов тарзида ташкил этилган тадбирда тумандаги касб-ҳунар коллежлари ва мактаблар ўқувчи-ёшлари белгиланган шартлар бўйича беллашдилар. Ўз ўқув юртлари, маҳаллаларида кашандаликка қарши курашда фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ ёшларга ташаккурномалар топширилди.

Ўзбекистон ХДП Балиқчи ва Улуғнор туман кенгашларининг навбатдаги пленумлари ўтказилди. Унда туман партия кенгашлари ва ЎзХДПдан сайланган халқ депутатлари туман кенгашидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти муҳокама қилинди.

ЎзХДП МК матбуот хизмати

Миллий дастур ижроси

ТАЪЛИМДАГИ ЎЙҒУНЛИК

ЁКИ МАКТАБ БИТИРУВЧИСИ: ОРЗУЛАР, ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажбурий таълимнинг неча йил эканлигини ҳалигача тўла тасаввур эта олмаган айрим ота-оналарга яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. Ёшларимиз мажбурий 9 йиллик таълимни тугатганларидан сўнг, яна уч йил ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттирадилар. Мажбурийлик — бу икки йўналишдан бирида ўқишни давом эттиришнинг шартлиги бўлса, ихтиёрийлик эса ўқувчининг ўзи қизиққан ҳамда лаёқатига мос касбни эркин танлашидир.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасида шундай дейилади: «Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар».

— Шу ўринда касб-ҳунарга йўналтириш вазифаси кимнинг зиммасида, деган савол туғилади.

— Ўқувчининг келажакда қандай инсон бўлиб вояга етиши кўп жиҳатдан у танлаган касб-ҳунарга боғлиқдир. Чунки ана шу касби, ҳунари орқали у жамиятнинг фаол аъзоси, фаровонлиги таъминланган оила соҳиби ва соҳибаси, буюк келажакнинг чинакам яратувчиси бўлади.

Касб-ҳунарга йўналтириш — бу ўсиб келаётган ёш авлоднинг касбий шаклланиши, туғма лаёқатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдир. Фарзандларимизни касбга йўналтириш унинг болалик давридаёқ амалга оширилиши керак.

Халқ таълими тизими, хусусан, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази олиб борган ишлар натижасида аста-секин ота-оналарда ҳам фарзандининг тақдирига масъуллик ҳисси ошмоқда. Бу, жорий йилнинг 10 март, 14 апрель, 12, 15 май кунлари ягона сценарий асосида ўтказилган ота-оналар йиғилишида ҳам яққол намоён бўлди. Бу йиғилишларда республика бўйича барча 9-синф битирувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этди. Битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш масаласи юзасидан нафақат ота-оналар, балки, синф раҳбарлари билан ҳам алоҳида йиғилишлар ўтказилди.

Ташҳис маркази ходими бир йил давомида ёки ундан ҳам кўпроқ муддат ичида ўқувчи билан шуғулланади, унинг касбий лаёқатини аниқлайди. Қайси касбни эгалласа, муваффақиятларга эришиш мумкинлигини таҳлил қилади ва шунга қараб унга тавсиянома беради.

Шунингдек, бугунги кунга қадар ўтказиб келинаётган касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг давоми сифатида 25 май куни умумтаълим мактабларида катта тантана сифатида ташкил этилган «Сўнгги қўнғироқ» тадбирларидан унумли фойдаланилди. Бу тадбирлар «Хайр мактаб, салом коллеж» тадбирларига уланиб кетди ва ўн икки йиллик таълимга жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Уларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан ишлаб чиқилган жадвал асосида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари вакиллари иштирок этиб, ўзларининг тарғибот материалларининг тақдимотларини уюштирдилар.

— 12 йиллик таълим тизимининг 11 йиллик таълимдан фарқи ва унинг афзалликлари ҳақида тўхталсангиз.

— Аввало, 11 йиллик таълим тизими тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги манзарани кўришимиз мумкин эди. 11-синфни битирган ўқувчиларнинг фақатгина ўн-ўн беш фоизи олий ўқув юрти талабаси бўлар, маълум қисмидагина ўрта махсус касб-ҳунар таълимини олиш имконияти мавжуд эди. Қолганлари ҳунарни қайсидир ташкилотда шогирдликдан иш бошлаб ўрганишига тўғри келарди.

12 йиллик таълимнинг афзалликлари шундан иборатки, битирувчи нафақат битта, балки бир-неча йўналишларда таълим олиб, малакали мутахассис бўлиб етишиши мумкин. Бунинг учун касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Энг замонавий компьютер техникалари, лаборатория жиҳозлари, ёпёруғ хоналар, бой илмий, бадиий ўқув адабиётларига эга ахборот-ресурс марказлари ўқувчиларнинг билимли, салоҳиятли, малакали кадрлар бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Сабаби, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ёшларга умумтаълим фанлари билан бирга касб-ҳунар ўргатилади. Бу билим даргоҳларини тамомлаганлар олий таълимни давом эттириш имконига ҳам эга бўладилар.

Шу ўринда бир изоҳ: илгари 11 йиллик умумий ўрта таълимдан сўнг олий маълумотли бўлиш учун яна 5 йил, жами ўқиш 16 йилни ташкил этган бўлган бўлса, ҳозир эса 12 йиллик таълимдан сўнг 4 йил олий таълимда ўқиш, жами 16 йил бўлиши ва бундан ташқари академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари нафақат етуклик аттестати, балки бир ва бир неча касблар бўйича мутахассислик дипломига ҳам эга бўлади.

— Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2007 йил 1 майдаги «Тошкент шаҳрида 12 йиллик таълимга тўлиқ ўтиш ҳамда янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари биноларини ўз вақтида 2007-2008 ўқув йилига тайёрлашнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги Қарорига кўра пойтахт мактаблари тўлиқ 12 йиллик таълимга ўтиб, 10-синфлар ташкил этилмайдиган бўлди...

— Албатта, ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 66937 ўқувчи ўрнига эга 85 та касб-ҳунар коллежи ҳамда олий таълим муассасалари қошидаги 14100 ўқувчи ўринли 31 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Шу жумладан, янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига 30524 ўқувчи ўринли 38 та касб-ҳунар коллежлари, 11735 ўринли 22 та академик лицей ишга туширилди.

2007 йилда Тошкентда 36688 нафар ўқувчи 9-синфни тугатади. Ҳисоб-китобларга кўра, шаҳардаги мавжуд ва жорий йилда фойдаланишга топшириладиган академик лицей, касб-ҳунар коллежлари қуввати мактаб битирувчиларини тўлиқ қамраб олишга етади ва улар ўқишни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида давом эттириб, умумий ўрта маълумот оладилар. Шу боис ҳам Тошкент шаҳри республикада биринчи бўлиб, тўлиқ 12 йиллик таълимга ўтказилди. Республиканинг яна 42 та ҳудудида худди шундай жараён давом этмоқда.

Энг аввало, 12 йиллик таълимнинг ҳамда Президент қарорининг мазмун-моҳиятини ота-оналар ва 9-синф ўқувчиларига батафсил тушунтириш, ёшларн:и касб-ҳунарга йўналтириш учун турли имкониятлардан фойдаланиш лозим. «Касблар фестивали» тадбирларини юқори савияда ўтказиш, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришга қаратилган «Очиқ эшиклар куни», касб йўналишлари тақдимотлари тадбирларини мунтазам равишда ташкил этиш ўз самарасини бермоқда. Бу ишлар доимий равишда ўтказилиб, узлуксиз давом эттирилади. Аммо узоқ қишлоқларда, яъни ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини тўлиқ қамраб олиш имкони бўлмаган айрим ҳудудларда эҳтиёждан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимиятларнинг таклифига биноан чуқурлаштирилган, моддий базаси ва салоҳияти юқори бўлган мактабларда 10-синфлар сақлаб қолинади. Лекин 2009 йилдан бошлаб мамлакатимизда таълим тўлиқ 12 йиллик тизимга ўтилади. Бунга етарли замин яратилмоқда. Таълимдаги мазкур узвийлик, уйғунлик Президентимиз ва халқимиз орзу қилган баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ
суҳбатлашди.

Баркамол авлод орзуси

Халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган истиқлол барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам янги уфқларни очиб берди. Наманган вилоятидаги «Тўрақўрғон» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ҳам мустақиллик ислоҳотлари туфайли ташкил этилганди. Кейинги 4-5 йил ўқув юрти моддий-техника базасининг мустаҳкамланишида ўзига хос давр бўлди. Биноолар қайта реконструкция қилиниб, ошхона, спорт зали, теннис корти қурилди, талабалар ётоқхонаси мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Бугунги кунда 1500 нафар ёш таълим-тарбия олаётган коллежда нафақат Намангандан, балки қўшни вилоятлардан келган талабалар ҳам касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

— Коллежимизда ишлаётган 104 нафар ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталарининг барчаси олий маълумотли мутахассислардир, — дейди коллеж директори, техника фанлари доктори, профессор Набижон Бойбобоев. — Бизда 14 та кафедра, 48 та ўқув хонаси, 5 та лаборатория, 3 та компьютер синфи ва 5 та лингафон хонаси мавжуд. Айни пайтда вилоятимиздаги олий ўқув юртлари билан алоқалар ўрнатганмиз. Халқаро интернет тармоғига уланганмиз. Кутубхонамиз 27 мингдан ортиқ китоб фондига эга.

Суратларда: *коллежнинг иқтидорли ўқувчиларидан бири Нигора Нажимова; бир гуруҳ талабалар.*

Турғунбек МАҲКАМОВ
олган суратлар

2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

САВОБ ЙЎЛЛАРИ

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида ижтимоий ҳимоя борасидаги амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор вазифалари тарғиботига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Дарҳақиқат, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ҳукуматимиз аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш сиёсатини илгари суриб келмоқда. Хусусан, жорий йил «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури, Президентимизнинг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди ва шу ҳужжатлар асосида эҳтиёжманд аҳоли қатламини мақсадли ижтимоий ҳимоялаш ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизда бу борада ортирилган бой тажрибалар халқаро экспертларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу мавзудаги семинарлар, давра суҳбатларида ўзбекларнинг ўзига хос мурувватпешалиги ва меҳр-оқибати алоҳида эътироф этиляпти. Яхшиси, жонли мисолларга мурожаат қилайлик: Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари, доктор Рамхат Круми шундай дейди: **«Халқ давлат билан муштарак, қадимий, миллий қадриятларингизда биродарлик, бағрикенглик, меҳр-мурувватлилик, ғамхўрлик каби фазилатлар устувор экан».** Берлиндаги «Карло» нашриёти директори К.Рот эса **«Республикада олиб борилаётган ижтимоий сиёсат Ўзбекистон раҳбариятининг ўз халқига ғамхўр эканлигининг яққол далилидир»**, — дея таъкидлайди. «Паритетише» хайрия муассасасининг ёшлар ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси Г.Зейферт хоним Ўзбекистонда ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлашда ҳар томонлама зарур шарт-шароитлар яратилганини алоҳида қайд этади. Булар ташқаридан туриб кузатаётган хорижлик мутахассисларнинг холисона фикрлари. Лекин биз эса бу эътирофларнинг қанчалар асосли эканлигини ўз кўзимиз билан кўриб, билиб турибмиз.

Масалан, «Аҳолини ижтимоий банд ишламаётган аёлларга нафақа ҳамда кам таъминланганларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига юклатилди. Уларга ижтимоий адолат, холислик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилиб, моддий ёрдамнинг аниқ йўналтирилишини таъминлаш, уни ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга бериш, боқимандаликка йўл қўймаслик, оилалар даромади ва мол-мулки ҳар томонлама ҳисобга олиниши, белгиланган тартибда тўланиши устидан қатъий назорат ўрнатишдек масъулиятли вазифалар қўйилган.

Айниқса, жорий йилнинг сентябрь ойидан тўлаш муддатини 6 ойга узайтириб, нафақа миқдорини 1,5 баробарга оширилиши кам таъминланган оилаларнинг моддий имкониятлари кенгайишига, турмуш шароитларининг яхшиланишига замин яратади, деб ўйлаймиз. Фармонда Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлардаги тарбиячи учун иш меъёрини 15-18 нафардан 5-6 нафар болага камайтирган ҳолда ставкаларини тариф сеткаси бўйича бир разрядга кўтариш ҳисобидан уларнинг маошларини 25 фоизга ошириш кўзда тутилган. Қариялар, ногиронлар ҳамда интернат уйлари, ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармонини олайлик. Унга кўра, эҳтиёжманд оилаларга, икки ёшгача бўлган фарзандининг тарбияси билан Фармонга биноан шундай имтиёздан баҳраманд бўладилар. Уйга бориб ижтимоий ёрдам кўрсатадиган ходимларга ҳар ойда йўл ҳақи тўланиши ҳам ижтимоий ҳимоя турларидан бири ҳисобланади.

Айнан ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли кўпгина иншоотлар таъмирланди, янгидан қурилди. Айниқса, шифохоналарнинг қайта қурилиши, таъмирланиши, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши ҳам эътиборга лойиқдир. Ногиронлар реабилитация марказлари, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ходимлари ҳам ушбу имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонли шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказлари, ижтимоий ёрдам кўрсатиш ходимлари ҳам ушбу ва текширишлар асосида болаларнинг туғма ривожланиш нуқсонлари билан туғилишини камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Шу ўринда айрим мисолларга тўхталмоқ жоиз: Биргина Жиззах вилоятида Бахмал ва Зомин туманлари марказий шифохоналари, вилоят кўз касалликлари касалхонаси, Зарбдор туманидаги кар ва соқов болалар, Жиззах шаҳридаги кўзи ожизлар учун замонавий махсус мактаб-интернатларининг қуриб, ишга туширилиши ҳам хайрли ишлар исботидир. Шунингдек, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида дефектология кафедрасининг очилаётгани ўқитувчиларнинг касбий даража ва малакасини оширишга, имконияти чекланган талабаларни ўқитиш самарадорлигини юксалтиришга ёрдам беради. Демак, ногирон болалар ҳам тўлиқ илм олиб, жамият равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларига кенг имконият яратилади.

Ногирон болаларни ҳам фаол ҳаётга жалб этиш мақсадида мактабга бора олмайдиган 5-9 синф ўқувчиларини компьютер ва мультимедияли ўқитиш дастурлари билан таъминлаш давом этмоқда.

Туғма ногиронликнинг олдини олиш, ирсий касалликларни диагностика қилишни яхшилаш, мониторинг ишлаб чиқилган жадвал асосида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари вакиллари иштирок этиб, ўзларининг тарғибот материалларининг тақдимотларини уюштирдилар.

Ёшларимиз мажбурий 9 йиллик таълимни тугатганларидан сўнг, яна уч йил ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттирадилар. Мажбурийлик — бу икки йўналишдан бирида ўқишни давом эттиришнинг шартлиги бўлса, ихтиёрийлик эса ўқувчининг ўзи қизиққан ҳамда лаёқатига мос касбни эркин танлашидир.

Ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш, хўжаликларини ободонлаштириш мақсадида ипотека, истеъмол ва микрокредитлар ажратилмоқда. Ҳар бир минтақада кам таъминланган оилалар фарзандларидан минг нафари «Усто-шогирд» усули бўйича касб-ҳунарга ўргатилади. Ҳар бир туманда аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасидан камида 5 та ёш оилага тўйларини ўтказиш ҳамда маиший шароитларини яхшилаш мақсадида ҳомийлик ёрдами кўрсатилади. Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя сиёсати борасида олиб борилаётган бундай савобли ишлар дарёдан бир томчи холос.

Хуллас мазкур дастур орқали жуда кўп хайрли тадбирлар амалга оширилиб, халқимизнинг фаровон, тўла-тўкис ҳаёт кечириши учун катта имконият эшиклари очилади. Бу эса мамлакатимиз фуқароларини эзозлаш йўлида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат маҳсулидир.

Баҳриддин НОРХЎЖАЕВ,
ҳуқуқшунос

5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

ОДАМ КАФТИДАГИ ОЛАМ

Иқлим ўзгаришлари ер биосфераси эволюциясига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Олимларнинг таъкидлашича, бу жараёнлар сайёрамизнинг узоқ геологик ўтмишида ҳам юз берган. Лекин улар табиий омиллар таъсирида рўй берган. Сўнгги юз йилликда фан-техника тараққиёти, саноат, транспорт, мегаполисларнинг кенгайиши каби табиатга антропоген таъсирлар оқибатида сайёрамизда кескин равишда хилма-хил табиат алмашуви ҳолатлари юз берди.

Хўш, атроф-муҳит ва иқлимий ўзгаришлар бизнинг ҳудудимизга қандай таъсир этади? Унинг олдини олиш мумкинми?

Эколог олим, «Экосан» халқаро ташкилоти президенти Юсуфжон ШОДИМЕТОВ ушбу саволларга шундай жавоб берди:



— Яшил сайёрамиз бугунги кунда атроф-муҳит ифлосланиши, иқлим ўзгариши, экологик муаммолар қуршовида яшаяпти. Зеро, ер шарида бутун борлиқ, фауна, флора, инсоният битта экотизимда ҳаёт кечиради. Бинобарин, уларнинг экологик муаммолари ҳам ўзаро битта занжирга боғланган. Табиийки, бизнинг ҳудудимизда ҳам бундай муаммолар мавжуд.

Дунё миқёсида сайёрамиздаги иқлим ўзгаришлари илмий тадқиқ этиляпти. Унинг салбий оқибатларини камайтириш тадбирлари ишлаб чиқиляпти ва амалиётга жорий этиляпти. БМТнинг Иқлим ўзгариши ҳақидаги Доиравий Конвенциясини дунёнинг 189 та мамлакати имзолаган, жумладан Ўзбекистонда ҳам бу муҳим ҳужжат 1993 йилнинг июнида ратификация қилинди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмига келиб, Марказий Осиёда, хусусан ҳудудимизда экологик муаммолар кучая бошлади. Аслида 60-йиллардан бошлаб минтақадаги энг йирик кўл — Орол денгизининг суви аста-секин камая бошлаган эди. 1980-1985 йилларга келиб эса Орол сатҳи икки баравар, сувининг ҳажми 2-2,5 марта камайди.

Президентимиз Ислом Каримов БМТнинг 48-сессиясида биринчи марта Орол муаммосининг жиддийлигини дунё ҳамжамияти олдига қўйди. Давлатимиз раҳбари денгизнинг қуриб бориши Марказий Осиё минтақасидаги биохилмахилликка, атроф-муҳит, иқлим ўзгаришига сабаб бўлишини ва энг муҳими, бундай экологик мураккаб вазият ҳудудда яшовчи халқларнинг генофондига салбий таъсир қилишига алоҳида урғу бериб ўтди.

Бинобарин, минтақамиздаги экологик инқироз Орол денгизи муаммоси билан боғлиқдир. Қолаверса сўнгги юз йилликда 70-80 йил вақт мобайнида минтақада фақат техник омилларни биринчи ўринга қўйиб, инсон ва табиат омиллари иккинчи даражага тушиб қолиши оқибатида келиб чиққан экологик муаммолар ҳам юзага келганди.

Ҳукуматимиз томонидан бу экологик вазиятни барқарорлаштириш масаласига катта аҳамият қаратиляпти. Олий Мажлис депутатлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилот вакиллари, «Экосан» халқаро ташкилоти бир неча бор қўшни Тожикистоннинг Турсунзода шаҳридаги алюминий заводида бўлди, аҳвол ўрганилди. Кейинги беш йилда заводнинг атроф-муҳитга заҳарли фтор моддасини тарқатувчи 3 та цехи қайта реконструкция қилинди, баъзи цехлар беркитилди. Маълумки, кейинги йилларда бу ҳудудда янги завод қурилишининг лойиҳалари устида ишланяпти. Айтиш керакки, ҳали бу муаммо бартараф этилгани йўқ.

Республикамизда экологик вазиятни мураккаб ҳолатга соладиган яна бир восита бизга чегарадош Қирғизистоннинг Мойлисув шаҳарчаси атрофида ўтган асрнинг 40-50-йилларида тоғ ён-бағрига жойлаштирилган уранни қайта ишлаш заводи ва ундан чиққан саноат қолдиқлари кўмилган 28 та чиқиндихоналари мавжудлигидир. Табиатда тоғларда ер қимирлаши, кўчкилар кўчиши, сел ёғиб ювилиши каби ҳодисалар бўлиши табиий ҳол ва оқибатда чиқиндихоналарнинг усти ювилиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Ўтган йили «чиқиндилар қабристони»дан бор-йўғи 15-20 метр наридан қаттиқ кўчки кўчганди. Вақолонки, бу чиқиндихоналарда 6,5 минг тонна ярим суюқ ядро маҳсулотлари кўмилган.

Кези келганда, мутахассис сифатида айтмоқчиман: Мойлисувда табиий равишда, катта-кичик ер силкинишлари натижасида тупроқ-гранулалари (нўхатдай келадиган кесак) бир йилда бизнинг ҳудудимизгача силжиб-силжиб келаркан. Буни тупроқнинг кичик миграцияси дейиш мумкин, у 2-2,5 км.га силжийди. Унинг таркибида ядровий маҳсулотлар бўлиши мумкин.

Хабарингиз бор, жаҳон ҳамжамияти сайёрамизнинг экологик инқирози оқибатларини юмшатиш учун курашяпти. Аммо кейинги пайтларда бу муаммоларга «мослашиш» тўғрисида гапириляпти. Бизнинг ҳудудимизда глобал исиш жараёнига мослашиш борасида муайян ишлар олиб бориляпти. Табиатда шундай қонуният мавжуд, биохилмахиллик, ўсимликлар, ҳайвонот олами, инсоният бундай иқлимий ўзгаришларга аста-секинлик билан кўникишга ҳаракат қилади.

Экологик муаммолар чегара, ҳудуд билмайди. Жаҳон тажрибасида аксарият давлатлар экологик муаммоларини ўзаро минтақавий ҳамкорликда ҳал қилишга, дунё ҳамжамиятининг диққатини тортишга ҳаракат қилади.

Минтақамиздаги иқлимий ўзгаришларга мослашиш жараёнида экосайёҳликни ривожлантиришнинг аҳамияти катта. БМТнинг Ривожланиш Дастури дунё мамлакатларида экосайёҳликни такомиллаштиришга эътибор қаратяпти. Яқинда ушбу масалада «Экосан» халқаро ташкилотининг олим, мутахассислардан иборат гуруҳи Ҳиндистонда бўлди. Ҳиндистонликлар саёҳатга, экосайёҳликка катта қизиқиш билан қарайди. Юртимизнинг сўлим гўшалари ҳақидаги роликлар, кўргазмаларни намойиш қилдик. Экосайёҳлик салоҳиятимиз ҳиндистонлик мутахассисларда, ишбилармон доираларда қизиқиш уйғотди. Минглаб сайёҳлар мамлакатимизга саёҳат қилиш, дам олиш, қадимий шаҳарларимизни кўриш, қўриқхоналаримизда бўлиш, фауна, флорамиз билан танишиш истагини билдирдилар. Ҳатто «Оролқум саҳроси»ни кўриш истагида бўлганлар ҳам топилди...

Мухтасар айтганда, оламдаги бугунги иқлимий ўзгаришлар, экологик муаммоларнинг оқибатларини юмшатиш кўп жиҳатдан инсониятнинг ўзига боғлиқ. Зеро, бутун борлиқ битта экотизимга занжирдай боғланган. Инсон унинг бир бўлаги. Олам одамни кифтида кўтарса, одам кафтида олам яшайди...

Суҳбатни Саида САЙХУН ёзиб олди.

УКРАИНА ОЛИЙ РАДАСИ

ҚОНУНГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТДИ

Маълумки, Украина президенти шу йил 26 апрель куни Олий Рада фаолиятини тўхтатиш ва уни тарқатиб юбориш, 24 июнда мамлакатда навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказиш ҳақида фармон қабул қилган, шундан сўнг парламент кўпчилигини ташкил этувчи ҳукумат-парламент коалицияси бу фармон қонунга нечоғли тўғри келиш-келмаслигини аниқлаш учун Конституциявий судга мурожаат қилган эди. Ушандан бери мамлакатда сиёсий инқироз давом этиб келмоқда.

27 май куни эса президент Виктор Ющченко, бош вазир Виктор Янукович ва Олий Рада спикери Александр Мороз учрашиб, навбатдан ташқари парламент сайловларини 30 сентябрда ўтказиш тўғрисида келишиб олдилар. Бу давргача эса Олий Рада керакли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши лозим эди. Шунинг учун президент 26 апрелдаги ўз фармонини икки кунга бекор қилган, яъни 29-30 май кунлари парламент ўз фаолиятини давом эттириб, сайлов жараёни учун зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиши керак эди. Бироқ бу икки кун уларга камлик қилди. Парламент кўпчилиги билан мухолифат айрим масалаларда келиша олмади. Шунинг учун президент парламентнинг фаолият кўрсатиш ваколатини яна икки кунга — 31 май ва 1 июнгача узайтирди. Натижада парламент томонидан «Халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги қонунга ҳамда 2007 йилги давлат бюджетига ўзгартишлар киритилиб, қабул қилинди.

«Халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартишларга кўра, эндиликда рўйхатга олинган сайловчиларнинг 50 фоизи сайловда иштирок этса, сайлов қонуний ўтган ҳисобланади. Амалдаги қонунда эса сайловчилар кворуми назарда тутилмаган эди.



Бундан ташқари, юролмайдиган қария ва беморларнинг уйда овоз бериш тартиби ҳам осонлаштирилди. Аввалларидек улар сайлов участкасига ўз касаллиги тўғрисида тиббий маълумотнома тақдим этишлари керак эди, энди эса бундай маълумотнома талаб этилмайди.

Республикадан ташқарида фаолият юритаётган украинлар овоз беришда қатнаша олмайди, фақат консуллик фаолияти билан боғлиқ украин фуқароларига бундан мустасно. Шунингдек, ўз хоҳишига кўра, депутатлик мақомини топширган фуқаролар кейинги чақириқларда номзодини кўйиш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Жорий йил бюджетига киритилган ўзгартишларга кўра, навбатдан ташқари сайлов харажатлари учун 365 миллион гривна (73 миллион доллар) миқдорида маблағ ажратиладиган бўлди.

Шунингдек, «Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Марказий сайлов комиссиясининг амалдаги таркиби тарқатиб юборилди ва янги таркиб шакллантирилди.

Дарвоқе, парламентнинг биринчи вице-спикери Адам Мартинюкнинг айтишича, президент фармонига кўра, апрелда Олий Рада фаолияти тўхтатилган бўлишига қарамай, парламент фаолият кўрсатаверган ва бундан кейин ҳам фаолиятини давом эттираверади. Шуни таъкидлаш лозимки, апрель-май ойларидаги парламент мажлисларида коалиция депутатларигина иштирок этган, мухолифат вакиллари эса қатнашмаган.

АҲОЛИНИНГ КЎПЧИЛИГИ

МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА ИШОНМАС ЭКАН

Ушбу хабар ҳам Украина ҳаёти билан боғлиқ.

«ProUA» ахборот агентлиги маълум қилишича, Украина президенти Виктор Ющченко кўпчилик украинлар ишончини қозонган сиёсатдонлар рўйхатининг биринчи «бешлиги»га кирмай қолди.

Гап шундаки, яқинда мамлакатдаги «София» ижтимоий тадқиқотлар маркази 12 майдан 20 майгача барча вилоятларда ўзига хос сўров ўтказди. 2015 нафар иштирокчи қатнашган ушбу сўров натижалари шуни кўрсатдики, биринчи «бешлик»ка Украина бош вазири Виктор Янукович (48,2 фоиз аҳоли унга ишонч билдирган), Юлия Тимошенко блоки етакчиси Юлия Тимошенко (35,3 фоиз), Олий Рада спикери Александр Мороз (34,8 фоиз), ҳукумат бошлиғининг биринчи ўринбосари Николай Азаров (34,5 фоиз) ва парламент кўпчилигининг етакчиси, Регионлар партиясидан Олий Рада депутати Раиса Богатиревалар кирган.

Президент Виктор Ющченкога эса 32,3 фоиз аҳоли ишонаркан. Апрель ойида бу кўрсаткич 35,5 фоиз эди.

ЯДРО МАСАЛАЛАРИ

ЮЗАСИДАН ТОМОНЛАР КЕЛИША ОЛМАДИ

Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича олий комиссари Хавьер Солана билан Эроннинг миллий хавфсизлик олий кенгаши котиби Али Ларижони учрашиб, Эроннинг ядро дастури юзасидан музокаралар ўтказди. Бироқ томонлар уранни бойитишни тўхтатиш борасида келиша олмадилар. Аммо музокаралар илиқ кайфиятда ўтди. Шунинг учун икки ҳафта ичида бу масала бўйича яна музокаралар ўтказишга келишиб олинди.

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, Эрон ўзининг ядро дастуридан воз кечмайди. Буни Халқаро атом энергияси бўйича агентлик (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад ал-Барадей ҳам таъкидламоқда. Унинг айтишича, Эронни энди уранни бойитишдан қайтариб бўлмайди. Негаки, у ўзининг ядро дастурини анча ривожлантириб юборган. Эндиликда Эронни ядро дастурини бутунлай тўхтатишга эмас, балки уранни бойитиш масаласини саноат даражасига чиқармасликка чақириш лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталди.

ЭЛЧИХОНА ОЛДИДА

МИТИНГ БЎЛИБ ЎТДИ

АҚШнинг Қирғизистон пойтахти Бишкекдаги элчихонаси биноси олдида «Америка ҳарбий ҳаво кучлари базасининг Қирғизистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилишини истовчилар» жамоатчилик ҳаракати вакиллари ҳамда либерал-прогрессив партия, коммунистик партия ва бошқа бир қанча сиёсий ҳамда нодавлат ташкилотлар тарафдорлари митинг ўтказдилар. Улар ўтган йил декабрда ёнилғи ташувчи автомобиль ҳайдовчиси, Қирғизистон фуқароси Александр Ивановни авиабаза дарвозаси олдида отиб ўлдирган Америка ҳарбийси Закари Хэтфилдни Қирғизистон суди ихтиёрига топширилишини, фожиа тафсилотлари Америка ва Қирғизистон мутахассислари томонидан чуқур ўрганилиши ва мукаммал текширилиши ҳамда Иванов оиласига товон пули тўлашни АҚШ маъмуриятидан талаб қилдилар.

Шунингдек, митинг иштирокчилари, авиабаза атрофида, аниқроғи, 20 километр радиусда экологик экспертиза ўтказилишини ва унинг натижалари кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилишини талаб қилдилар.

«Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, антитеррор коалициясининг бу авиабазаси 2001 йил декабрда БМТ мандатига кўра, Афғонистонда халқаро антитеррор операцияси ўтказиш мақсадида «Манас» аэропортида ташкил этилган. Ҳозирги кунда ушбу авиабазада мингга яқин Америка ҳарбийси ва ҳарбий-транспорт самолётлари бор.

КИМКИ КЎЧАДА ТУПУРСА

ЖАРИМАГА ТОРТИЛАДИ

Хитой маъмурияти 2008 йилнинг ёзида бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинлари олдидан ўз фуқароларини янада маданиятли бўлишга ундаш борасида жиддий иш бошлади. Жумладан, Пекин фуқароларининг кўчада тупуришлари тақиқланди.

«Daily Messenger» газетасида чоп этилган хабарда ёзилишича, кимки кўчада тупурса, 50 юан миқдорида жаримага тортилади. Бу эса 6,5 АҚШ долларига тенг бўлиб, унга метронинг 16 та чиптасини ёки 100 та қўл сочиқ сотиб олиш мумкин.

Бундан ташқари, «Xinhua» ахборот агентлиги маълум қилишича, Пекинда «Навбатга туриш кунлари» ҳам жорий этилди. Мақсад: фуқароларга навбатда туриш тартибларини ўргатиш, яъни жамоат транспортига ур-тўполон билан эмас, балки навбат билан, бир-бирини нуқмасдан чиқиш маданиятини шакллантиришдан иборатдир.

Шундай қилиб, Хитой аҳолиси 2008 йили мамлакатга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонлар кўз ўнгида маданият даражаси юксаклигини намойиш этишлари лозим.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактаб томонидан 2005 йилда Иқбол Одилович Мадалиев номига берилган O'R SHN№0183855 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»НИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЕГИШЛИ МУҲИМ ФАКТЛАР ҲАҚИДА

ХАБАРНОМА

09-ХАБАР

Умумий йиғилиш тури: йиллик.
Умумий йиғилиш ўтказиш шакли: очиқ.
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: 2007 йил 25 май.
Умумий йиғилиш ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчасида жойлашган «DEDEMAN» меҳмонхонасининг конференциялар зали.
Умумий йиғилиш кворуми: жами овоз берувчи акцияларнинг 96,91 фоизи ёки 74 428 570 та овоз.

Овозга қўйилган масалалар, улар бўйича берилган овозлар ва қабул қилинган қарорлар:

1. АТ «Алоқабанк» акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида. **Ёқлаганлар — 73 176 480 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз, берилмаган овозлар сони — 1 252 090 та овоз.** Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқланди.

2. АТ «Алоқабанк»нинг 2006 йил иш фаолияти якунлари ва банкнинг 2007 йилга белгиланган устувор вазифалари тўғрисида. **Ёқлаганлар — 73 176 480 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз, берилмаган овозлар сони — 1 252 090 та овоз.** Банк Бошқаруви раисининг 2006 йил иш фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинди ва ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилди. Банкнинг 2007 йилга белгиланган устувор вазифалари маъқулланди.

3. Бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш. **Ёқлаганлар — 73 176 480 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз, берилмаган овозлар сони — 1 252 090 та овоз.** Банкнинг 2006 йилги бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқланди.

4. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ҳамда унинг аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида. **Ёқлаганлар — 72 896 900 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз, берилмаган овозлар сони — 1 531 670 та овоз.**

Палагута Т.С. — Ёқлаганлар — 65 912 900 та овоз, қаршилар—6 984 000 та овоз, бетарафлар — 279 580 та овоз, берилмаган овозлар сони — 1 252 090 та овоз.

Расулиев М.Х. — Ёқлаганлар — 73 176 480 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз, берилмаган овозлар сони — 1 252 090 та овоз.

Ишанкулов И.Н. — Ёқлаганлар — 73 176 480 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз, берилмаган овозлар сони — 1 252 090 та овоз. Банк тафтиш комиссиясининг 2006 йил иш фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқланди. Банк тафтиш комиссияси аъзоларининг таркиби қуйидагича тасдиқланди: Палагута Т.С. — «ЎзалоқаКонсалтинг» МЧЖ Бош ҳисобчиси, Расулиев М.Х. — Электромагнит мослашуви маркази Бош ҳисобчиси, Ишанқулов И.Н. — Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлар маркази Бош ҳисобчиси.

5. «DELOITTE & TOUCHE» ташқи аудиторлик фирмаси ҳисоботи тўғрисида. **Ёқлаганлар — 72 896 900 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз, берилмаган овозлар сони — 1 531 670 та овоз.** Банкнинг 2006 йил иш фаолияти якунлари бўйича «Deloitte & Touche» ташқи аудиторлик фирмаси томонидан берилган ҳисобот тасдиқланди.

6. АТ «Алоқабанк» акцияларига дивидендларни тўлаш тўғрисида. **Ёқлаганлар — 72 896 900 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 279 580 та овоз, берилмаган овозлар сони — 1 252 090 та овоз.** Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича 2007 йил учун чорак якуни бўйича 20 (йигирма) фоиз ҳисобидан, оддий акцияларга банкнинг 2007 йил фойдасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобот йилнинг якуни бўйича дивиденд тўловларини тўлашга розилик берилди.

7. Банкнинг 2007 йилда мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида. **Ёқлаганлар — 73 176 480 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз, берилмаган овозлар сони — 1 252 090 та овоз.** Банкнинг 2007 йилга мўлжалланган бизнес-режаси тасдиқланди.

8. Банк капитали миқдорини ошириш ҳамда банк уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида. **Ёқлаганлар — 73 176 480 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз, берилмаган овозлар сони — 1 252 090 та овоз.** Банкнинг устав капитали қўшимча номинал қиймати 100 (юз) сўмлик 57 600 000 (эллик етти миллион олти юз минг) дона оддий ва 2 400 000 (икки миллион тўрт юз минг) дона имтиёзли акциялар чиқариш йўли билан 14 000 000 000,00 (ўн тўрт миллиард) сўмга етказилсин ҳамда эмиссия 14-эмиссия рисоласи тасдиқлансин деган қарор қабул қилинди. Йил якуни бўйича олинган соф фойданинг камида 30 (ўттиз) фоизини банк капиталини оширишга йўналтиришга рухсат берилди.

9. Банк ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.

«ERNST & YOUNG» — аудитор фирмаси

Ёқлаганлар — 1 598 844 та овоз, қаршилар — 259 450 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз.

«PRICEWATERHOUSECOOPERS» аудитор фирмаси

Ёқлаганлар — 0 та овоз, қаршилар — 259 450 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз.

«DELOITTE TOUCHE» — аудитор фирмаси

Ёқлаганлар — 67 390 642 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз. Банкнинг 2007 йилги иш фаолиятини аудит текширувдан ўтказиш учун «Deloitte & Touche» аудитор фирмаси тасдиқланди.

10. АТ «Алоқабанк» Кузатув Кенгаши таркиби тўғрисида.

Арипов А.Н. — ёқлаганлар — 74 728 570 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз.

Маҳмудов М.М. — ёқлаганлар — 74 278 570 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз.

Муҳитдинов Х.А. — ёқлаганлар — 74 278 570 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз.

Қосимов Р.С. — ёқлаганлар — 74 278 570 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз.

Абидходжаев Ш.Ш. — ёқлаганлар — 74 278 570 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз.

Асқаров Р.А. — ёқлаганлар — 74 278 570 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз.

Иминов Т.К. — ёқлаганлар — 74 278 570 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз.

Мансуров Р.П. — ёқлаганлар — 74 278 570 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз.

Юлдашев Ф.Т. — ёқлаганлар — 75 178 570 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз. Банк Кузатув Кенгаши аъзоларининг сони 9 (тўққиз) кишидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда тасдиқланди: Кенгаш раиси — Арипов А.Н., Кенгаш раиси ўринбосари — Маҳмудов М.М., Кенгаш аъзолари — Муҳитдинов Х.А., Қосимов Р.С., Абидходжаев Ш.Ш., Асқаров Р.А., Иминов Т.К., Мансуров Р.П., Юлдашев Ф.Т.

11. Банк бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида.

Ёқлаганлар — 74 428 570 та овоз, қаршилар — 0 та овоз, бетарафлар — 0 та овоз. Банкнинг бошқарув раиси К.Н.Ирисбекова билан тузилган меҳнат шартномасини амал қилиш муддати узайтирилди.

Истиқлол — ёш авлод тақдирида

ДУНЁ НАЗАРИГА ТУШАЁТГАН ГУЛ...

Истиқлол берган имкониятлар ҳақида гап кетганда, мисолни бугунги ёшлар ҳаётидан келтирсак, айни ҳақиқат бўларди. Уларнинг истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқаришида мустақиллик қандай имкониятлар берганини бугун кўп соҳаларда ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Мустақиллик кашф этган ёшлар ўз интеллектуал салоҳияти, билими ва санъати билан бугун дунёни лол қолдирмоқда. Ўзбек фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботлашмоқда.

Ана шундай истеъдодлардан бири Ўзбекистон давлат консерваторияси магистранти **Гулрух ШОКИРОВА**дир. У 9 ёшидан бошлаб санъатнинг, хусусан бастакорликнинг мураккаб сир-асрорларини машҳур бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Икром Акбаровдан ўргана бошлади. Шунингдек, у В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейида ҳам таҳсил олди. Маълум вақт ўтгач, устозларининг меҳнатлари ва ўзининг интилишлари ўз самарасини кўрсатди. У республика миқёсидаги танловларда фаол иштирок эта бошлади.

1994 йил. Ўзбекистон мустақил бўлганига эндигина уч йил тўлаётганди. Мамлакатимиз ёшлари нималарга қодир эканлиги ҳали кўпчиликка маълум эмасди. Шундай пайтда ўзбек ёшлари истеъдодини дунёга кўз-кўз қилганлардан бири Гулрух Шокирова бўлди. У Москвада бўлиб ўтган Ёш мусиқачилар халқаро фестивалида лауреат бўлди. Шу фестивал унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Энг муҳими, шахсан унинг ўзи дунёнинг манаман деган мамлакатлари ёшларидан ҳеч ҳам қолишмаслиги, керак бўлса, уларга ибрат кўрсата олишига ишонч ҳосил қилди. Гулрух 1999 йилда XV Республика пианиночилар танловида биринчи ўринни эгаллагач, Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли равишда кириб ўқиш ҳуқуқига муяссар бўлди. 2002 йили эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиантларидан бирига айланди.

У 2000 йилда АҚШнинг Луизиана штатида ўтказилган «Nena Wideman» 50-халқаро пианиночилар танловида қатнашиб, бронза медали соҳибаси сифатида эътироф этилди. Энди у бирин-кетин жаҳондаги нуфузли кўрикларда иштирок этиб, дунё мутахассислари эътиборига туша бошлади. Хусусан, 2004 йили Парижда бўлиб ўтган VII Рубинштейн халқаро пианиночилар танловида 2-ўринни, 2006 йили Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида III халқаро пианиночилар танловида 3-ўринни қўлга киритди. У ўзининг нозиккина бармоқлари билан И.Бах, Л.Бетховен, Ф.Лист, С.Грокофьев, М.Равиль, Ф.Шопен каби жаҳонга машҳур композиторларнинг асарларини бемалол ижро этиб, дунёнинг энг машҳур ижодкорлари олқишини олди.

2004 йилда Гулрух АҚШдаги «Park University» халқаро мусиқа марказида икки йиллик грант асосида таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу ерда ўқиб юрган кезлари дунё мусиқасини янада чуқурроқ ўрганишга ахд қилди. Дмитрий Башкиров ва Fou Tsong мастер классларида фаол қатнашди. Шу билан бирга инглиз тилини мукаммал ўрганди. Икки йил давомида у 20 та концерт дастурида иштирок этди.

Охирги иштирок этган танлови ҳақида Гулрух шундай дейди:

— Ушбу танлов 2006 йилнинг 3-6 декабрь кунлари Алмати шаҳрида бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 10 мамлакатидан келган 58 нафар ижрочи қатнашди. Улар орасида россиялик, кореялик, хитойлик, украиналиклар бўлиб, ўз-ўзидан мени салобат боса бошлади. Шартлари ҳам анчагина қийин эди. Иштирокчилар Бах, Шопен каби улкан бастакорларнинг полифоник ижодлари намуналаридан ташқари Моцарт сонаталарини, 2 тадан комил этюд, шунингдек, қайси давлат намояндаси сифатида қатнашаётган бўлса, шу мамлакат бастакорининг асарини ижро этиши керак эди...

Гулрух танловда ўзига юклатилган масъулиятни жуда аъло даражада уддалади. 24 нафар пианиночи ўртасида лауреатликка лойиқ кўрилди ва учинчи соврин эгаси бўлди.

Гулрух нафақат моҳир пианиночи, айни пайтда истеъдодли бастакор ҳам. У йигирмадан зиёд ўзига хос куй басталаган. Санъаткор қиз мусиқадан ортиб жаҳон адабиёти намуналарини ўқийди ва спорт билан мунтазам шуғулланади. У айни пайтда Ўзбекистон давлат консерваториясининг магистратурасини якунлаш арафасида. Яқинда Гулрух Шокирова номзоди «Нихол» мукофотига тавсия этилибди. Унинг ўзи ҳам санъатимиздаги умидли «нихол»лардан бирига ўхшайди. Ишончимиз комилки, ҳали вақти келиб, у санъатимиз юлдузларидан бирига айланади. Бунга кафолат — унинг истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва санъатга фидойилиги.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«БИЗ — ЯНГИ АВЛОД ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!»

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Yangi avlod forumi» болалар ижодиёти марказида хайрия тадбири бўлиб ўтди. Унда истеъдодли ўқувчилар, уларнинг мураббий ва ўқитувчилари, ота-оналар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши ва олижаноб фазилатлар соҳиби бўлиб камолга етишини таъминлашга доир ишлар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Бу борада қабул қилинган кўплаб қонун, дастур, фармон ва қарорлар, миллий лойиҳалар изчил, босқичма-босқич, аниқ, манзилли ва ижтимоий йўналтирилган тарзда ҳаётга татбиқ этилаётгани билан аҳамиятлидир.

Фарзандлар камолоти йўлидаги хайрли ишларга турли вазирлик, идоралар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ўтказаётган тадбирлар ёшларни қўллаб-қувватлаш, навқирон истеъдод соҳибларини аниқлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Таълим грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурлари, республика истеъдодли ёшларининг «Янги авлод», «Келажак овози» кўрик-танловлари, «Навқирон Ўзбекистон» фестивали, концертлар, кўргазмалар юртимиз ўғил-қизларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу йилнинг февраль ойида жамғарма томонидан ташкил этилган «Yangi avlod forumi» болалар ижодиёти марказида беш юз нафардан зиёд ўқувчи рақс, тасвирий санъат, ашула, театр санъати, хорижий тиллар, ахборот технологиялари, «Моҳир қўллар», тикувчилик сингари йўналишлардаги клублар, тўгаракларда шуғулланади. Ижодиёт марказининг Хадича Имомназарова, Муродулла Ҳакимов, Анна Дряхлова сингари истеъдодли ўқувчилари республика миқёсида ўтказилган кўрик-танлов ва фестивалларда муваффақият қозонган.

«Биз – янги авлод фарзандларимиз!» мавзуидаги хайрия тадбири доирасида болаликнинг беғубор оламини акс эттирувчи фотокўргазма, асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Ушбу маскандаги бадиий галереяда эса тасвирий санъат тўгараги иштирокчиларининг она-юртимиз, мафтункор табиат манзаралари акс эттирилган суратлар ҳамда «Моҳир қўллар» клуби ўқувчилари ишлаган қизиқарли макет ва ўйинчоқлар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбир якунида марказнинг бадиий жамоалари, рақсоса, созанда ва хонандалари, шунингдек, ўзбек эстрадаси юлдузлари иштирокидаги концерт намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Спорт

ФУТБОЛ ВА ҲАЁТ

Миржалол ҚОСИМОВга

Ҳаёт майдонида офтоб олтин тўп,
Одил ҳакам ўзи Яратган эгам.
Ҳаётда ҳам, иним, ўйинчилар кўп,
Ҳаётда ҳам элнинг Миржалоли кам.

Бир майдон ичида катта-ю кичик,
Бир майдон ичида мард ила маккор.
Ҳалол беллашувга етмаса кучи,
Пайт пойлаб оёқдан чалувчилар бор.

Эҳ, қоним гупуриб кетади баъзан,
Ғирром кимсаларга тобим йўқ сира.
Юзма-юз келсайди, шартта ўша дам,
Калла қўяр эдим Зиданчасига.

Футбол ҳам уйғотар йигитлик орин,
Ор ва улус шаъни уйғун, ҳамоҳанг.
Ғолиб келди мудом аҳли сардорин
Атрофида бўлса битта жамоа!

Саъдулла ҲАКИМ,
2007 йил, 2 июнь

МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ЮЛДУЗИ МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВНИНГ ХАЙРЛАШУВ УЧРАШУВИ МИЛЛИОНЛАБ МУХЛИСЛАР УЧУН ЧИНАКАМ СПОРТ БАЙРАМИГА АЙЛАНДИ

— Уч йил мамлакат миллий терма жамоасида ва бироз «Пахтакор»да мен мураббий, Миржалол эса ўйинчи бўлган, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, ОФК техник маслаҳатчиси Рустам Акрамов. — Аммо мураббий фикрларини майдонда айнан у татбиқ эта олган. У жамоани бирлаштирар ва бошқарар, унинг етакчиси ва қалби эди. Айнан у рақибларни шошириб қўйиб, уларни хато қилишга мажбур этарди. Шундан кейин жарима ва бурчак тўпларини тепиб, бетакрор ва қиёси йўқ голлар урарди. Учиб бораётган тўп парвози нотабиий кўринар, гўё унинг йўналишини самода кимдир бошқараётгандек туюларди. Айнан Миржалол Қосимов мана, қарийб йигирма йилдирки, Ўзбекистон футболининг тимсолига айланган. Ишонаманки, у мураббийлик соҳасида ҳам ҳали улкан ютуқларга эришади.

Таниқли мутахассиснинг бу фикрларида ҳеч бир муболаға йўқ. Моҳир футболчи Миржалол Қосимовнинг ноёб иқтидорини нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда ҳам аллақачон тан олишган. Бунга 2 июнь куни пойтахтимизда уюштирилган хайрлашув учрашувида яна бир карра гувоҳ бўлдик. Ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпиони, XII Осиё ўйинлари ғолиби, Россия ва Ўзбекистон чемпиони, мамлакат кубоги эгаси, «Ўзбекистон ифтихори» унвони, «Фидокорона хизматлари учун» ордени, «Шуҳрат» медали соҳиби, «Она замин юлдузлари» фестивали лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Миржалол Қосимовнинг юртимиз футболи тараққиёти ва равнақига қўшган ҳиссаси шу куни давлатимиз ва кенг жамоатчилик томонидан алоҳида эътироф этилди.

Асосий тантаналар пойтахтимиздаги МҲСК стадионида бўлиб ўтди. Маълумки, ушбу тадбир арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, мамлакат миллий ва Олимпия терма жамоалари катта устози Миржалол Қосимов ҳамда Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси бош устози Юрий Саркисян «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган эди. Шу куни давлат мукофотларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев топширди.

Шундан сўнг, Ғиёс Бойтоев, Рустам Ғойипов, Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазоитова сингари ўзбек эстрадаси юлдузлари ижро этган куй-қўшиқлар, қизиқчи Обид Асомовнинг чиқишлари йиғилганларга завқ-шавқ улашди.

Миржалол Қосимов ўзининг футболчилик фаолияти давомида нафақат Ўзбекистонда, балки Россия, БАА давлатлари миллий чемпионатларида ҳам муносиб тўп сурди. Ўзининг чиройли ўйинлари билан мутахассис ва мухлислар меҳрини қозонди, кўплаб дўстлар орттирди. Хайрлашув учрашувини уларсиз тасаввур этиб бўлмасди, албатта. Ўша куни ташкил этилган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Миржалолнинг дўстларидан иборат Евроосиё терма жамоалари учрашувида ишқибозлар бир қатор таниқли футболчилар ўйинидан баҳраманд бўлдилар. Қизиқарли ва дўстона кечган учрашув 3:3 ҳисобида якунланди. Ҳар икки жамоа таркибида 45 дақиқадан тўп сурган Миржалол Қосимов Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳисобидаги тўплардан бирига муаллифлик қилди. Ўйин сўнггида моҳир футболчимиз эстафетани ота изидан бораётган ўғиллари Миркамол ва Миржамолларга тантанали топширди.

Йиғилганларда катта таассурот қолдирган хайрлашув учрашуви мушакбозликларга уланиб кетди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: *хайрлашув учрашуви тантаналаридан лавҳа — Миржалол Қосимов ва Юрий Саркисян.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

САМБО ЮЛДУЗЛАРИ ТОШКЕНТДА



Шу кунларда пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт мажмуида ёшлар, аёллар ва эркаклар ўртасида самбо бўйича Осиё ва Жаҳон чемпионатлари беллашувлари давом этмоқда.

Унда Россия, АҚШ, Япония, Қозоғистон, Жанубий Корея, Сингапур, Покистон сингари йигирма тўрт давлатдан келган беш юз нафардан зиёд самбочи ғолиблик учун гиламга чиқаётир. Тўққиз вазн тоифасида ўтаётган беллашувларда мамлакатимиз терма жамоалари иккитадан таркиб билан иштирок этишмоқда. Мусобақанинг дастлабки икки кунида ёшлар ва аёллар ўртасида қитъа чемпионати ғолиб ҳамда совриндорлари аниқланди. Муросасиз кечаётган беллашувларда ҳамюртларимиз муносиб натижаларни қайд этишмоқда.

— Беллашувларда барча терма жамоалар ўзларининг энг кучли таркиблари билан гиламга чиқаётганлиги ҳам мусобақа нуфузи баландлигини кўрсатиб турибди, — дейди уч карра Осиё чемпиони Нилуфар Давлатова (68 кг). — Баҳсларга пухта ҳозирлик кўрганим ўз самарасини берди. Туркманистон, Қозоғистон, Россия терма жамоалари вакилларини енгиб, қитъа чемпионати олтин медалига сазовор бўлдим. Насиб қилса, жаҳон чемпионатида ҳам фақат олтин медаль учун гиламга чиқаман.

Мусобақалар бугун ниҳоясига етади.

Аброр МЕЛИБОЕВ

СПОРТ ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАБ

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ишларига тобора катта эътибор қаратилмоқда. Айни чоғда юртимиз вакилларининг турли нуфузли халқаро мусобақалар, Олимпия ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида юксак натижаларга эришаётгани республикамиз спорт салоҳиятининг тобора ортиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари жойларда жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигига хизмат қилмоқда. Ушбу ютуқ ва муваффақиятларни матбуот ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, спорт турлари бўйича таҳлил ва ихтисослик нуқтаи назаридан мақолалар чоп этиш, телекўрсатув ва радио эшиттиришлар тайёрлаш спорт журналистлари олдида турган муҳим вазифадир.

Куни кеча «Sport» газетаси таҳририяти томонидан «Оммавий спорт тарғиботида журналистларнинг ўрни» мавзуида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир ҳам ана шундай муҳим жиҳатларни ўзида мужассам этди. Унда сўзга чиққан таниқли спорт журналистлари ва мутахассислар ўзбек матбуоти ва оммавий ахборот воситаларида спортда эришилаётган ютуқларни ёритиш ва соҳадаги муаммо ҳамда вазифалар хусусида ўз фикрларини билдирдилар. Бу борада «Sport» газетаси таҳририяти ижодкорлари томонидан профессионал ва оммавий спорт, халқ ўйинлари тарғиботига оид амалга оширилаётган ижодий изланишлар алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Маънавий-маърифий тадбир якунида республикамизнинг турли нашрлари, оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган энг фаол спорт журналистлари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

Суратда: тадбирда тақдирланган спорт журналистларидан бир гуруҳи.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚЎРИҚЛАШ БЎЛИМИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Наманган вилояти, Наманган тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасининг маъмурий биносини қуриш.

Объектнинг ҳисобланган бошланғич нархи ҚҚС билан — 273 962 660 сўм.

Қурилишни якунлаш муддати — 90 кун.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Сирғали кўчаси, 20-уйда жойлашган Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси.

Телефон: (8-369) 226-28-43, 226-27-94.

Қурилиш ишлари Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасининг ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига, қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

«POYTAXT AUKSION»
давлат унитар корхонаси

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2007 йил 21 апрелдаги 48-сонида чоп этилган эълонда кўрсатилган, банкрот деб эътироф этилган «OSIYOKOMPRESSORLITMASH» қўшма корхонасига қарашли мол-мулклар ва қуйиш цехи қўшма корхонани тугатиш бошқарувчисининг мурожаатига асосан аукцион савдолардан олинганлигини маълум қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
11250 nusxada bosildi
Г — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 22.45
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda